

Нодира Махмудовна МУСАЕВА,
Тошкент давлат педагогика университети
доценти, фалсафа фанлари номзоди

Рано Исмаилжановна МИРСАМИКОВА,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
мустақил тадқиқотчиси

“АЛ-ЖОМИ АС-САҲИХ” АСАРИДА ИНСОН ВА УНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ БАРКАМОЛЛИГИ

ЧЕЛОВЕК И ЕГО ДУХОВНО- ПРАВСТВЕННОЕ СОВЕРШЕНСТВО В СБОРНИКЕ «АЛЬ-ДЖАМИ АС-САХИХ»

SPIRITUAL AND MORAL DEVELOPMENT OF A PERSON IN THE COLLECTION “AL-JAMI AL- SAHIH”

Аннотация: Мазкур мақолада ҳадислардаги инсоннинг маънавий-ахлоқий ҳаётига ва баркамоллигига оид теоцентриқ ҳамда ижтимоий антропологик қарашлар ўрганилади. Теоцентризм барча динлардаги каби исломда ҳам етакчи ўринда туради ва қолган ижтимоий антропологик қарашларни ўз атрофида уйғунлаштиради. Мазкур мақолада ҳозирги пайтда Ўзбекистонда маънавий-ахлоқий масалаларга оид фалсафий тадқиқотлар, улардаги диний-трансцендентал ва илмий-назарий қарашлар ҳақида тўхталиб, ҳадисларнинг ижтимоий-тарбиявий жиҳатлари ёритилади.

Таянч иборалар: Ҳадислар, “Ал-Жоми ас-саҳиҳ” асари, инсон, маънавий-ахлоқий баркамоллик, теоцентриқ қарашлар, ижтимоий-антропологик масалалар, ислом догматикаси, инсон борлиги, маънавий-ахлоқий тарбия, проекция қилиш, антропоцентризм.

Аннотация: В данной статье рассматриваются теоцентрические и социально-антропологические взгляды на духовно-нравственную жизнь и совершенствование человека в хадисах. Теоцентризм, как и во всех религиях, является основой в исламе и гармонизирует вокруг себя остальные социально-антропологические воззрения. В данной статье рассматриваются философские исследования по вопросам морали и нравственности в Узбекистане,

их религиозно-трансцендентальные и научно-теоретические взгляды, а также освещаются социально-просветительские аспекты хадисов.

Ключевые слова: Хадисы, Аль-Джами ас-Сахих, человек, духовное и нравственное совершенство, теоцентрические взгляды, социо-антропологические вопросы, исламская догматика, человеческое существо, духовное и нравственное воспитание, проекция, антропоцентризм.

Abstract: This article examines the theocentric and social anthropological views in the hadiths on the spiritual and moral life and perfection of man. Theocentric, as in all religions, is at the forefront of Islam and harmonizes the rest of social anthropological views around itself. This article focuses on philosophical research on spiritual and moral issues in Uzbekistan today, their religious-transcendental and scientific-theoretical views, and the socio-educational aspects of the hadiths.

Key words: Hadiths, Al-Jami as-Sahih, i (self), spiritual and moral perfection, theocentric views, socio-anthropological issues, islamic dogmatics, human being, spiritual and moral education, projection, anthropocentrism.

Ҳадислардаги бош теоцентриқ ғоя – Аллоҳнинг борлиги, яқкалиги, Муҳаммад пайғамбар Унинг Расули эканидир. “Диний экзистенциализм” (Г.Марсель) инсон борлигини ўраб турган, ҳатто ҳаётини мақсадига йўналиш берадиган кучга айланадики, шу боис баъзи тадқиқотчилар ислом дини, Аллоҳ инсон иродасини, “ирода эркинлиги”ни ҳисобга олмайди, деган фикрга борадилар. Ҳа, исломда Аллоҳ амрига, ҳукмига қарши чикувчи инсон кофир, даҳрий сифатида қаралади, лекин Муҳаммад пайғамбар ҳадис-суннатларида инсон шаъни, кадр-қимматини камситувчи фикрлар учрамайди. Пайғамбар Аллоҳга эътиқод қилишни инсоннинг ҳаётини мақсадига айлантиришни истайди, лекин у мажбурлаб динга киритишга қаршидир. Аллоҳ ҳамма нарсани яратишга қодир, аммо ердаги барча эзгу ишлар инсон иродаси, изланишлари, меҳнати маҳсулидир.

Инсоннинг маънавий-ахлоқий баркамоллиги тақво билан чекланмайди ёки теоцентризм билангина ҳал бўлмайди, “Мен” ва бошқа “Мен”, инсон-жамият тизимларидаги муносабатлар “диний экзистенциализм”ни ҳам соcioантропоцентризмни ҳам ўзи билан ҳисоблашишга мажбур этади. Муҳаммад

пайғамбар энг аввало инсон ва ён-атрофдаги инсонлар тақдири учун масъул бўлган, бу ижтимоий бурчини, вазифасини у юқоридаги тизимлар орқалигина амалга ошириши мумкин эди. Ушбу социоантропологик талаб ҳадис-суннатларда яққол намоён бўлади. Шу боис ҳам ҳадис-суннатлар социоантропологик моҳиятга эга, уларда “Мен” ва бошқа “Мен”, инсон-жамият муносабатлари баъзан теоцентризмдан устун келади.

Инсон ҳаёти макон ва замонда чекланган, нисбий, ўткинчидир, фақат маънавий дунёси орқали у ўзини Бутунга, Етукка, Яратганга тааллуқли, яқин эканини англайди.[16:114] Мазкур Боқийга, Абодийга – Худого яқинлигини ёки тааллуқли эканини билгач, инсон ўзидаги маънавий кучлар қанчалик улғ, қудратли ва улар нимага қодирлигини тушунади, бу худосифат ёки илоҳий фазилатларга эга бўлиш томон интилиш, нажот йўлидир. Нажот излаган нажот топади, шу тариқа у умрининг макон ва замонда чекланганини нисбий ва ўткинчилигини енгади. Исо алайҳиссалом ибораси билан айтганда: “Мен дунёни енгдим”, [4:264] дея олади.

Дин, дин догматикаси инсон ҳаётини маънавий-ахлоқий идеал билан бойитишга интилади. Маънавий-ахлоқий идеал инсонга, унинг ҳаёт тарзи, ҳатти-ҳаракатлари ва руҳий изланишларига маълум бир талаблар қўяди. Ушбу талабларни ижтимоий фалсафий иборада баркамоллик ёки “маънавий-ахлоқий баркамоллик” дейиш мумкин.

Ислом инсоннинг маънавий-ахлоқий баркамоллигини ўзининг бешта рукни, шарти орқали талқин қилади. Бу теоцентрик ёндашувдир. Аммо у теоцентрик ёндашувни инсон ва унинг ҳаётисиз, амалларисиз тасаввур этмайди, шу тариқа теоцентризмни антропоцентризм билан уйғунлаштиради. Мазкур мавзуда бизни кейингиси қизиқтиради.

Аввало шуни айтишимиз лозимки, маънавий-ахлоқий фазилатларни инсоннинг интравертив ёки экстравертив ҳатти-ҳаракатлари нуктаи назаридан тадқиқ этиш мумкин. Интравертив ҳатти-ҳаракатлар инсон ҳатти-ҳаракатлари ва ўй, хаёл, ниятларининг ички руҳий, маънавий дунёсига йўналтирилишидан иборатдир. Улар рефлексив хусусиятга эга, яъни инсон ўзининг маънавий-ахлоқий идеалини ўзининг ички кечинмалари,

ўй-хаёллари ва фикрларидан кидиради. Зоҳидликни қўллаб-қувватловчи

художўйлар, сўфийлар интравертлардир. Экстраверсив ҳатти-ҳаракатлар эса ташқи оламга, ён-атрофга, жамиятга, бошқа “Мен”ларга йўналтирилган бўлиб, у ижтимоий антропологик моҳиятга эгадир. Экстравертлар маънавий-ахлоқий идеалини ташқи муҳитдан, ижтимоий ҳаётдан кидирадилар ёки уни, яъни топган маънавий-ахлоқий идеалини ижтимоий муаммоларни ҳал этишга йўналтирадилар. Ҳар икки ҳолда ҳам экстравертларнинг ҳатти-ҳаракатлари жамият, социум билан муносабатларини мустаҳкамлашга, такомиллашти-ришга йўналтирилган бўлади.

Ижтимоий антропологик ёндашув интраверт изланишларни рад қилмайди, айниқса, дин инсонни ички маънавий, руҳий дунёсига қайта ва қайта мурожаат этишга ундайверади. Диннинг ўзи интравертив изланишларсиз, ҳатти-ҳаракатларсиз, рефлексиясиз инсон руҳига, маънавий дунёсига таъсир қилолмайди. Буни тасаввуф аҳли жуда яхши билади[8:98]. Агар художўй ўй-хаёлини, диққатини фақат ташқи дунёга қаратиш билан чекланса, у муқаррар тарзда динга юзаки, хўжақўрсинга ибодат этишга мажбур бўлади. Натижада, дин догматикаси бузилади, унинг асосий рукн, шартларини бажаришда турли чалкашликлар, тарафдошлик, низолар келиб чиқади.[10:94] Интервертивлик қанчалик муҳим бўлса, экстравертивлик ҳам шунчалик муҳимдир. Бу аслида теоцентризм билан антропоцентризм уйғунлигининг инсон ҳатти-ҳаракатларидаги ифодасидир. Инсон маънавий-ахлоқий баркамоллигини ижтимоий антропологик таҳлил қилганда экстравертивликка қанчалик урғу берилса-да, бу интравертивликни инкор қилиш эмас, чунки антропология инсонни ички ва ташқи оламини уйғун қарашга ундайди.[15:6]

Имом Бухорий “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” асарини Муҳаммад пайғамбарга ваҳий кела бошлаган ҳадисларни келтиришдан бошлайди. Мазкур ҳадисда инсоннинг ваҳий келгандан маънавий-руҳий ҳолати баён этилган. Мана шу ҳолатни англаган, ундаги моҳиятни тўғри тушуниб етган кишигина ислом догматикасига, у қўядиган талаблар ростлигига, реаллигига ишонади ва шу тарзда маънавий-ахлоқий баркамолликка йўл очади. Ҳадисда келтирилади: “Дарҳақиқат, барча амаллар ниятга яраша бўлғусидир.

Кимки хижратдан нияти дунё топомок бўлса, дунёга эришгуси, кимки хижратдан нияти хотин олмоқ эрса, хотинга никоҳлангусидир. Демак, не ниятда хижрат қилганлиги эътиборга олингусидир. “Расулulloҳга ваҳий унинг Аллоҳ таоло билан ҳамсухбат бўлиш, Уни англаш, муборак сўзларини тинглаш ва ҳақиқатга етиш йўллари Ундан билиш ниятига мувофиқ келган. “Менга ваҳий, баъзан қўнғироқ овози янглиғ келгусидир. Кучли ваҳий келганида шундай бўлғай. Шунда мен бутун борлиқни унутгум ва ваҳий сўзларини укуб олгумдир. Баъзан эса, менга инсон киёфасидаги фаришта ваҳий келтирғай, мен унинг айтганларини ёдлаб олғайман”[2:7]. Баъзан ваҳий соф туш, “тонг шафағи янглиғ нур” тарзида келарди, кўпинча уни Жаброил хабар қиларди. Гап шундаки, ваҳий келганида Муҳаммад пайғамбар ҳамма нарсани унутиб қўярди, бутун борлиғи ваҳийга қаратиларди, ана шу пайтларда у ўзини баркамоллик чўққисида сезарди, ваҳий сўзларни ёдлаб қолишга интиларди. Мусулмон мистицизмида ушбу ҳолат “транс” деб аталади ва у маънавий-руҳий куч сифатида инсонни Бутун, Етук, Баркамол билан уйғунлаштиради. Диний мистицизм нуктаи назаридан, барча маънавий-руҳий изланишлардан мақсад Баркамолга, Худога етишишдир. Ушбу теоцентриқ талқин негизида фақат Аллоҳга етишиш эмас, балки Аллоҳ севган ва яратган инсонларга ҳам етишиш, яъни уларни севиш, ардоқлаш, уларга ҳамдард бўлиш, ўзини биродарларига бағишлаш каби ижтимоий антропологик мақсадлар ҳам ётади. Фақат инсонлар орқалигина инсон Баркамолликка, баркамол фазилатларга эришиши мумкин. Ижтимоий фалсафада у “шахснинг ижтимоийлашуви” дейилади.

Маънавий-ахлоқий баркамоллик, ҳадисларда зикр этилишига кўра, дин илмини билишдан бошланади. “Кимгаки Аллоҳ таоло яхшиликни (маънавий-ахлоқий баркамолликни – Н.М.) раво кўргайдир, уни дин илмидан баҳраманд қилғайдир, илмга илм олмоқ йўли бирлан эришилғайдир”.[2:32] “Икки нарсдан ўзгасига ҳасад қилмоқ жоиз эрмас, бири – кишига Оллоҳ таоло ҳалол мол-дунё берса-ю, уни Ҳақ йўлида сарфлаётган бўлса, иккинчиси – кишига Аллоҳ таоло илмий ҳукумат ато этса-ю, у шу туфайли олий мақомга эришиб, ҳукм сураётган, одамларга билганини ўргатаётган бўлса”.[2:34]

Мазкур ҳадислардан: 1) маънавий-ахлоқий баркамоллик дин илмини билишга; 2) билимини Ҳақ йўлига сарфлашига ва; 3) билимларини бошқа инсонларга ўргатишига боғлиқдир, деган хулосалар келиб чиқади. Биринчи ва иккинчи хулосалар теоцентриқ талқинга, учинчиси эса социоантропологик моҳиятга эга. Динга тааллуқли билимлардан хабардор бўлмай туриб, дин талаб этадиган маънавий-ахлоқий баркамолликка эришиб бўлмайди. Ҳазрат Али ҳадис қилганларидек:

“Илм қалбадир, унга етишган тақдирингдагина уни ўзингда ўзлаштирасан!” “Икки тоифа одамлар билимни хор айлади: ахлоқсиз олим ва жоҳил, илмсиз зоҳид” [1:66]. Дин илмининг қалбдан жой олиши инсоннинг маънавий-ахлоқий тасаввурларига таъсир этади, ахлоқсиз билим эгаси эса ўзини ҳам, динни ҳам бадном қилади. Демак, дин ва маънавий-ахлоқий фазилат бир-бирига диалектик боғлиқ, дин илми инсоннинг маънавий-ахлоқий дунёсига қандай таъсир этса, кейингиси ҳам биринчисининг инсонлар ичида тарқалишига ёки ёмон, нотўғри фикрлар уйғотишига олиб келади. Шунинг учун ҳам дин илмининг ижтимоий антропологик моҳияти қуйидаги ҳадисда янада очиқроқ баён этилган: “Бир киши Оллоҳ илмини (исломни) теран ўрганадир, теран тушунадир ва ундан манфаатланадир ва Оллоҳ юборган ҳидоятни ўзи ўрганиб, ўзгаларга ҳам ўргатадир. Иккинчи бир киши илм ўрганиб, ўзгаларга ҳам ўргатадир. Аммо ўзи амал қилмайдир. Учинчи бир киши мутакаббирлик қилиб, ўзи ҳам ўрганмайдир, ўзгаларга ҳам ўргатмайдир. Булардан биринчиси мўмин, иккинчиси фосиқ, учинчиси кофирдир”.[2:35]

Маънавий-ахлоқий баркамоллик исломдаги умуминсоний ва илмий қадриятларни, ахлоқ-одоб нормаларини, шахсни жамият билан аҳил, иттифоқ бўлиб яшашига ундайдиган фазилатлар мажмуасидир. Ҳадислар генезиси VI-VII асрлардаги бадавий араблар яшаган даврга ва муҳитга бориб тақалса-да, уларда (албатта бошқа этносоциал ва этномаданий омиллар таъсирида) умуминсоний маънавий-ахлоқий қадриятлар, қарашлар ҳам ўз ўрнини топан. Ислон динининг жаҳон динларидан бирига айланиш жараёни бутун Шарқ ҳудудларида кечгани сабабли ҳадислар ушбу ҳудудлар таъсиридан чеккада шаклланиши

мумкин эмас эди. Шунинг учун ҳам “Мусталаҳул ҳадис”да улар саҳиҳ, ишонарли ва ғайрисаҳиҳ, ишонарсизларга бўлинади.

Ҳадисларда Муҳаммад пайғамбарнинг маънавий-ахлоқий баркамоллигига оид кўплаб ривоятлар келтирилади. Унинг саҳоватли, яхшилик тиловчи, хушсўз, эзгу ниятли, тўғри сўз, вафодор, адолатпарвар, меҳр-муҳаббатли, покдомон, инсонпарвар, оилапарвар, довюрак, сабр-тоқатли, карамли, сертавозе, ҳожатбарор, ҳалим, камтар, ҳаёли инсон бўлгани ҳақиқатдир. Унинг сўзи: “Мен яхши хулқларни камолотга етказиш учун пайғамбар бўлиб келдим” деган. [3:91] Бошқа бир ҳадисда “Энг яхши хулқ-атвор Муҳаммад пайғамбарнинг хулқ-атвори экани қайд этилади”. Эзгу фазилатлари туфайли у барча инсонларга идеал, намуна бўлиб келади. Шотландиялик файласуф Т.Карлейль Муҳаммад пайғамбарни ҳатто буюк лашкарбошилар ва давлат арбоблариникидан ҳам кўп издошларига, “беҳад катта кучга, жўшқинликка, нурга, сифатларга” эга, ҳақиқий қаҳрамон деб атаган. [13:58] Демак, ислом ва ҳадисларга мувофиқ Муҳаммад пайғамбар маънавий-ахлоқий идеал, ундаги фазилатлар мажмуи маънавий-ахлоқий баркамоллик ифодасидир. Унинг ҳадис-суннатларидаги сўзлари ва амаллари ана шу баркамолликка элтувчи йўллардир. Шундай йўллардан бири, энг муҳими яхшилик қилишдир.

“Яхшилик ҳусни хулқдир”, дейилади ҳадислардан бирида. [6:18] Яъни, Аллоҳга ҳам, унинг Расули ва бандаларига ҳам ёқадиган, одамдаги гўзал маънавий-ахлоқий фазилат бу яхшилик қилишдир. У инсоннинг ҳусни-хулқидир... Яхшилик – фарзу вожибларни қилиш, ҳаромдан ҳазар қилиш, одамларга очиқ юз билан қараб, уларга эҳсон қилиш”. [6:19] Унга, ота-онага, фарзандларга, қўл остидагиларга, етим-есир ва беваларга, қўшни ва қариндошларга, барча инсонларга (шу жумладан мусулмон бўлмаганларга ҳам) қилинадиган яхшиликлар киради. “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” асаридан ушбу яхшиликларга бағишланган кўплаб ҳадислар келтириш мумкин. Улар жамланган, лапидар тарзда Қуръони каримнинг “Нисо сураси”да баён этилган. “Ота-онангизга ҳамда қариндош, қўшни ва бегона қўшнига, ёнингиздаги ҳамроҳингизга, йўловчи мусофирга ва қўлларингиздаги қулларингизга яхшилик қилингиз! Албатта, Оллоҳ ўзлари бахиллик

қиладиган ва ўзга одамларни ҳам бахилликка чакирадиган ҳамда Оллоҳ фазлу карамидан берган неъматларни яширадиган мутакаббир ва мактанчоқ бўлган кимсаларни севмайди”. [7:73] Ушбу оятдаги фикрлар у ёки бу тарзда ҳадисларда ҳам такрорланади. Муҳими шундаки, улар Муҳаммад пайғамбарнинг маънавий-ахлоқий фазилатлари, баркамол хислатлари ҳамдир. У ҳадисларида яхшиликка даъват этганида ғайриҳаётӣ, ҳавойи тасаввурлардан эмас, балки ўзи реал муносабатларда орттирган тажрибаларидан барча инсонлар бажара оладиган ва барча инсонлар мухтож бўлган императивлардан келиб чиқади. Унинг ўзи-инсон; у инсонлардаги олижаноб маънавий-ахлоқий фазилатларни, баркамолликни ўзига мужассам этган инсон бўлгани учун ҳам ҳадис-суннатлари антропологик моҳиятга эгадир. Аслида ушбу ҳадис-суннатлар ижтимоий антропологик хусусиятга эга, чунки улар Муҳаммад пайғамбарнинг ички “Мен”ига (интраверсия) ўзига эмас, балки бошқа “Мен”ларга, бошқа инсонларга (экстраверсия) қаратилгандир. Бундан маълум бўладики, Муҳаммад пайғамбар ўзининг сўзлари билан ҳам, амаллари билан ҳам инсонларни “улуғвор ахлоқли бўлишликка амр қилади”. [2:92]

Ислом дини ижтимоий антропологик моҳияти туфайли миллионлаб одамларни ўз догматикаси атрофида бирлаштириб келади. У инсон, унинг ҳаёти, унинг атрофидаги қариндошлари, оила аъзолари, биродарлари билан аҳл яшашга ундагани, ахлоқли, иймонли, меҳр-муҳаббатли бўлишга чорлагани билан эъзозлидир. “Бир-бирларингизни ёмон кўрманглар, бир-бирингизга ҳасад қилманглар, бир-бирингиздан аразламанглар, ака-ука тутуниб, Оллоҳнинг (солиҳ) бандалари бўлинглар! Мусулмон одам ўз (диндош) биродари билан уч кундан ортиқ аразлашмасин.” [2:101]

Инсонни яхшилик томон ундаш исломдаги энг асосий маънавий-ахлоқий императивдир. Расулulloҳдан: “Динларнинг қайси бири Аллоҳ таолога севимлироқдир?” – деб сўралганда, Ул зот: “Яхшилик томонга юзланган ва инсон учун енгил бўлган диндир”, – дедилар. [3:94] Шунинг учун ҳам У исломни мураккаблаштириб юбормасликка, унинг рукн-шартларини инсонларга тушунарли, яқин, кўп азият келтирмайдиган қилишга

даъват этган. Чамаси Муҳаммад пайғамбар буддавийлик ва исавийликдаги сонсиз-саноқсиз маросим, қўшиқ, ибодатлардан яхши хабардор бўлган, бундай мураккаблик динда турли фирқаларни, гуруҳларни ва пировард натижада ички мазҳабий низоларни келтириб чиқарган. Шунинг учун Муҳаммад пайғамбар: “Эй одамлар, ораларингизда намозхонларни бездирувчилар мавжуд, қайси бирингиз жамоатга имомлик қиладиган бўлсангиз, намозни қисқароқ (енгилроқ) ўқингиз, чунки намозхонлар орасида беморлар, кексалар ва хожатманд кишилар бор! - деб даъват этади”. [2:112] Динни инсонларга тушунарли ва улар ҳаётига яқин қилиш ҳукм эмас, балки инсоннинг ижтимоий антропологик моҳияти талаби эди. Ушбу моҳият энг аввало инсоннинг инсонга, ёнидагиларга кўрсатадиган яхшилиги, меҳри, хуллас, хуш ахлоқидадир. Чунки, ҳадисларда такрорланганидек: “Инсонларга берилган фазилатларнинг энг яхшиси яхши ахлоқдир.”[3:95]

Маънавий-ахлоқий баркамоллик тўғрисида турли фикрлар, назарий, фалсафий ва антропологик концепциялар мавжуд. Инсоннинг инсонга, биродарларига меҳрибонлиги ҳақидаги фикрлар ушбу концепциялар ичидаги энг инсонпарвар ғоя ҳисобланади. Ҳадисларда қайд этишича, агар инсон умри давомида бирорта ҳам яхши иш қилмаган бўлса-ю, бирор меҳрибонлик кўрсатса, у гуноҳлардан озод этилади. “Расулulloҳ: “Сизлардан бурун ўтган пайғамбарлар умматидан биттасини ҳисоб-китоб қилинганда ундан ҳеч яхши иш топилмаган, лекин у ўзига тўқ киши бўлиб, халқ билан аралашиб юрар ва камбағал кишилардан оладиган маблағи бўлса: “У камбағал бечорадан шу маблағни кечириб юборинглар!”- деб ўз кишиларига буюрарди. Шунда Аллоҳ Таоло: “Бу бошда камбағалга меҳрибонлик қилиб, ундан оладиган маблағни кечган экан, унинг ҳам гуноҳларини мен албатта кечмоғим лозим”, -деб гуноҳларини кечириб юборди”, -дедилар.”[3:96] Демак, бир меҳрибонлик, олижаноблик инсонни бошқа гуноҳлардан озод қилишга асос бўла олади.

Ислом ва ҳадисларда Муҳаммад идеал инсон ҳисобланади, ундаги гўзал, олижаноб маънавий-ахлоқий фазилатлар ўн уч асрдан бери инсонлар диққатини тортиб келади. Идеал инсон, баркамол авлод тўғрисида фикр

юритган ҳар бир давр Муҳаммад образидан илҳомланган, унга тақлид қилган. Шунинг учун ҳам, бизнинг фикримизча, баркамол авлодни шакллантиришни ўзининг стратегик мақсади деб билаётган Ўзбекистон учун Муҳаммад пайғамбардаги юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни проекция қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Айниқса жамиятимизда ўзбек халқининг тарихий-маданий меросидан, исломий қадриятлардан унумли, рационал фойдаланиш давлат томонидан қўллаб-қувватланилаётганда ҳадис-суннатлар самарали ижтимоий тарбиявий воситага айланиши, миллий педагогик технологияни яратишга хизмат қилиши шубҳасиздир.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Аминов У. Илмнинг фазилати. – Тошкент, Мовароуннаҳр, 2010.
2. Имом Бухорий Ал-Жомий ас-саҳиҳ. 1-к.
3. Имом Исмоил ал-Бухорий. Ал-адаб ал-муфрад (Адаб дурдоналари). – Тошкент, Ўзбекистон, 1990.
4. Инжил. – Стокгольм, Библияни таржима қилиш институти, 1992.
5. Соғиний А. Тарихи Муҳаммадий. – Тошкент, 1991.
6. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва ҳаёт, Яхшилик ва ахлоқ. 34-жуз. – Тошкент, Шарқ, 2011.
7. Куръони карим. Алоуддин Мансур таржимаси. Тошкент, Чўлпон, 1992.
8. Awn P. Satan's Tragedy and Redemption: Iblis in Sufi psychology. – Leiden, 1993; Gammer M. Muslim Resistance to the Tsar/ - London, 1994.
9. Кныш А.Д. Мусульманский мистицизм. – М.: - Санкт Петербург, “Диля”, 2004; Fadiman J. Essential Sufism. – San Francisco, 1997.
10. De Weese D. Islamisation and Native Religion of the Golden Horde. University Park, Pensilvania, 1994.
11. Smith M. Early mysticism in the near and Middle East. – Oxford, 1995.
12. Сковорода, Жизнь и учения. – Минск.: Харвест, 2012.
13. Карлейль Т. Герои, почитание героев и героическое в истории. – М.: ЭКСМО, 2008.
14. Louth A. the Original of the Christian Mystical Tradition. Oxford, 1981.
15. Марнов Б.В. Философская антропология. Очерки истории. – Санкт-Петербург, 1997.
16. Франк С.Л. С нами Бог. – Москва.: Изд. АСТ, 2003.